

Ўзбекистон Республикаси
Монополияга қарши курашиш
қўмитасининг 2020 йил
03 январдаги 06/02 - 11 -
сонли хатига илова

**Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича
ХУЛОСА № 1**

I. Умумий маълумотлар

Хулоса Адлия вазирлигида 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан рўйхатга олинган Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикаси асосида тайёрланди.

1. Лойиҳани тақдим этувчи орган номи:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги.

2. Лойиҳанинг номи ва тури:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Лойиҳалаш ва қурилиш соҳасидаги мутахассисларни мажбурий сертификатлаштириш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси.

3. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун асос:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 ноябрдаги ПФ-5577-сонли “Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон ижросини таъминлаш мақсадида тайёрланган.

4. Лойиҳанинг қисқача мазмуни:

Лойиҳалаш ва қурилиш соҳасидаги мутахассисларни мажбурий сертификатлаштириш тўғрисида

II. Тадбиркорлик субъектларининг асосий гуруҳлари бошқа масъул шахслар ҳамда таклиф этилаётган ҳужжатда давлат органларининг манфаатларига доир масалалар тартибга солинадиган маълумотлар

5. Ҳужжат билан манфаатлари назарда тутилаётган гуруҳ иштирокчиларининг таснифи:

тадбиркорлик субъектлари гуруҳлари – Лойиҳалаш ва қурилиш соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектлар;

давлат органлари гуруҳи – Қурилиш вазирлиги, “Ўзстандарт” агентлиги, Олий таълим вазирлиги;

бошқа иштирокчилар гуруҳи муносабатлари – Ўзбекистон муҳандислар-консультантлар уюшмаси.

6. Янги ёки амалдаги функцияларга киритилаётган ўзгартиришлар, ваколатлар, мажбуриятлар, имтиёзлар, преференциялар, давлат органлари ҳуқуқлари ва уларни амалга ошириш тартиби тўғрисида, шунингдек, киритилаётган чекловлар бўйича ҳамда бошқа маълумотлар:

Қарорга илова қилинаётган Лойиҳалаш ва қурилиш соҳасидаги мутахассисларни мажбурий сертификатлаштириш тартиби тўғрисида **Низом бўйича:**

6.1. Низомнинг 9-бандида:

- “**номзод** – тегишли соҳадаги **олий** маълумотга, иш тажрибасига, касбий билим ва кўникмаларга эга ва профессионал фаолиятни амалга ошираётган, лойиҳа ва қурилиш соҳасида ҳамда улар билан ўзаро боғлиқ бўлган соҳаларда (муаллифлик ва техника назорати) фаолият юритаётган Талабгорнинг ходими бўлган ва сертификатлаштириш тартиб-таомилида иштирок этишга кўрсатилган жисмоний шахс” эканлиги;

- “**сертификат** – **Уюшма томонидан берилган** ва унда кўрсатилган шахснинг сертификатда кўрсатилган соҳада касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган назарий ва амалий тайёргарлик, тажриба ва компетентликнинг етарли даражасига эгаллигини тасдиқловчи ҳужжат” эканлиги;

- “**сертификатланган мутахассис** – **Уюшма томонидан берилган** амалдаги сертификат соҳиби бўлмиш, лойиҳалаш ва қурилиш соҳасида ҳамда улар билан ўзаро боғлиқ бўлган соҳаларда (муаллифлик ва техника назорати) ишлайдиган ходим;” эканлиги кўрсатилган;

6.2. Низомнинг 10-бандида:

- номзод номига фаолият ихтисослиги бўйича берилган техник мутахассислиги бўйича давлат намунасидаги **олий** маълумот тўғрисидаги диплом;

- амалий лойиҳалаш, қурилиш, муҳандислик-қидирув, экспертлик ёки бошқа тегишли (йўналишига кўра) фаолият соҳасида **охирги 8 йил иш фаолиятида камида 5 йиллик умумий иш стажига эгаллигини тасдиқловчи** меҳнат дафтарчаси мавжуд бўлиши кўрсатилган;

6.3. Низомнинг 11-бандида зарур бўлган ҳолларда Малака комиссияси (кейинги ўринларда – Комиссия) талабгордан сертификатлаштириш тартибига тааллуқли бўлган **бошқа қўшимча материаллар ва ҳужжатларни** имтиҳонгача бўлган даврда номзоднинг аризасида кўрсатилган электрон почта манзили ва телефон рақами орқали сўралиши мумкинлиги келтирилган;

6.4. Низомнинг 12-бандида Лойиҳалаш, қурилиш ва улар билан ўзаро боғлиқ соҳалардаги мутахассисларга малака имтиҳонларидан ўтиш даврида қўйиладиган талаблар ушбу Низомнинг **1-иловасида** келтирилган;

6.5. Низомнинг 55-банди учинчи хатбошида номзоднинг касбий (йўналиши) фаолияти соҳаси бўйича Комиссия аъзолари томонидан таклиф этилган **мавзу бўйича суҳбат (Уюшма томонидан тасдиқланган график бўйича ўтказилади)** бўлиши кўрсатилган;

6.6. Низомнинг 60-бандида белгиланган шаклдаги Сертификат **Сертификатлаш ташкилоти** томонидан имзоланиши ва мухрланиши кўрсатилган.

Умуман Низомда сертификатланадиган мутахассисларни сертификатлаштириш Уюшма томонидан амалга оширилиши белгиланган.

III. Рақобатга таъсирнинг таҳлили

7. Хужжатни қабул қилинишининг оқибатлари прогнози

7.1. Низомнинг 9-бандида:

- “**номзод** – тегишли соҳадаги **олий** маълумотга, иш тажрибасига, касбий билим ва кўникмаларга эга ва профессионал фаолиятни амалга ошираётган, лойиха ва қурилиш соҳасида ҳамда улар билан ўзаро боғлиқ бўлган соҳаларда (муаллифлик ва техника назорати) фаолият юритаётган Талабгорнинг ходими бўлган ва сертификатлаштириш тартиб-таомилида иштирок этишга кўрсатилган жисмоний шахс” эканлиги;

- “**сертификат** – Уюшма томонидан берилган ва унда кўрсатилган шахснинг сертификатда кўрсатилган соҳада касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган назарий ва амалий тайёргарлик, тажриба ва компетентликнинг етарли даражасига эгаллигини тасдиқловчи хужжат” эканлиги;

- “**сертификатланган мутахассис** – Уюшма томонидан берилган амалдаги сертификат соҳиби бўлмиш, лойихалаш ва қурилиш соҳасида ҳамда улар билан ўзаро боғлиқ бўлган соҳаларда (муаллифлик ва техника назорати) ишлайдиган ходим;” эканлиги кўрсатилган;

Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасига асосан Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятига оқибатда рақобат чекланиши мумкин бўлган тарзда аралашishi, шартномалар тузишда устунлик бериш, сотиб олувчиларнинг муайян доирасига товарларни биринчи навбатда реализация қилиш, молиявий маблағларнинг манбаларини танлаш ва улардан фойдаланиш йўналишларининг афзаллиги тўғрисида хўжалик юритувчи субъектга кўрсатмалар бериши, айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун бошқа камситувчи ёки имтиёзли шартлар (шароитлар) белгилаши тақиқланади.

Ушбуларни инобатга олиб “**олий маълумотга**” сўзларини “**олий ёки ўрта махсус маълумотга**” сўзларига ўзгартириш, сертификатни **фақат Уюшма бериши** талабини лойихадан **чиқариб ташлаш зарур**.

7.2. Низомнинг 10-бандида:

- номзод номига фаолият ихтисослиги бўйича берилган техник мутахассислиги бўйича давлат намунасидаги **олий** маълумот тўғрисидаги диплом;

- амалий лойихалаш, қурилиш, муҳандислик-кидирув, экспертлик ёки бошқа тегишли (йўналишига кўра) фаолият соҳасида **охирги 8 йил иш**

фаолигида камида 5 йиллик умумий иш стажига эгаллигини тасдиқловчи меҳнат дафтарчаси мавжуд бўлиши кўрсатилган;

Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасига асосан давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятининг бирор бир соҳасида янги хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этишга чекловлар жорий этиши, шунингдек, фаолиятининг айрим турларини амалга оширишни ёки муайян товарлар ишлаб чиқаришни ман этиши таъқиқланиши кўрсатилган.

Ушбуларни инобатга олиб, мазкур банддаги “**олий маълумот**” сўзларини “**олий ёки ўрта махсус маълумот**” сўзларига ўзгартириш, шунингдек, мазкур банддаги иш фаолияти ва стажига доир талабни институтни ёки коллежни тамомлаган ёш, иқтидорли ходимлар талабгор бўлиши мумкинлигидан келиб чиқиб, кайта кўриб чиқиш лозим.

7.3. Низомнинг 11-бандида зарур бўлган ҳолларда Малака комиссияси (кейинги ўринларда – Комиссия) талабгордан сертификатлаштириш тартибига тааллуқли бўлган **бошқа қўшимча материаллар ва ҳужжатларни** имтиҳонгача бўлган даврда номзоднинг аризасида кўрсатилган электрон почта манзили ва телефон рақами орқали сўралиши мумкинлиги келтирилган;

Мазкур норма орқали инсон омилини аралашуви ва натижада коррупцион ҳолатларга олиб келиши мумкинлигини инобатга олиб, Низом лойиҳасида ҳужжатларнинг аниқ турларини кўрсатилиши ва улардан бошқа қўшимча ҳужжат талаб қилинмаслиги белгилаб қўйиш лозим.

7.4. Низомнинг 12-бандида Лойиҳалаш, қурилиш ва улар билан ўзаро боғлиқ соҳалардаги мутахассисларга малака имтиҳонларидан ўтиш даврида қўйиладиган талаблар ушбу Низомнинг **1-иловасида** келтирилган;

Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасига асосан Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятига оқибатда рақобат чекланиши мумкин бўлган тарзда аралашуви, айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун бошқа камситувчи ёки имтиёзли шартлар (шароитлар) белгилаши тақиқланади.

Мазкур иловада соҳалар мутахассисларига малакавий синовлардан ўтишда қўйиладиган асосий талаблар жуда **мураккаб тарзда** келтирилган, жумладан, маҳаллий ва хорижий архитектура ва қурилиш асбоб-ускуналарининг **ривожланиш тарихи**, унинг лойиҳалашдаги замонавий муаммоларини ҳал қилиш **қонуниятлари**, **сифат менежменти тизимларини сертификатлаштириш асослари**, **иқтисодиёт**, **меҳнатни**, **ишлаб чиқариш ва бошқаришни ташкил этиш** кабилар.

Тенг рақобат шароитини яратиш мақсадида ушбу талабларни кайта кўриб чиқиш лозим.

6.5. Низомнинг 55-банди учинчи хатбошида номзоднинг касбий (йўналиши) фаолияти соҳаси бўйича Комиссия аъзолари томонидан

таклиф этилган мавзу бўйича суҳбат (Уюшма томонидан тасдиқланган график бўйича ўтказилади) бўлиши кўрсатилган;

Низом лойиҳасининг 9-бандида “имтихон – қурилиш соҳасида мутахассисларни фаолиятини сертификатлаш пайтида малакалари юзасидан ўтказиладиган савол жавоб жараёни. Ушбу жараён ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда видео кузатув режимида амалга оширилади ва бу сертификатлаштиришнинг энг асосий, шаффоф ва **инсон омили таъсирсиз ўтказиладиган шахс ва компьютер мулоқоти** эканлиги кўрсатилганлигини инобатга олган ҳолда, жараёнда инсон омилини аралashiши олдини олиш мақсадида Низомнинг 55-банди учинчи хатбошини **чиқариб ташлаш лозим**.

6.6. Низомнинг 60-бандида белгиланган шаклдаги Сертификат **Сертификатлаш ташкилоти** томонидан имзоланиши ва муҳрланиши кўрсатилган.

Умуман Низом лойиҳасида сертификатланадиган мутахассисларни сертификатлаштириш Уюшма томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасига асосан Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятига оқибатда рақобат чекланиши мумкин бўлган тарзда аралashiши, айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун бошқа камситувчи ёки имтиёзли шартлар (шароитлар) белгилаши тақиқланади.

Мазкур қонун талабларидан келиб чиқиб, сертификатланадиган мутахассисларни сертификатлашни аккредитациядан ўтган ташкилотлар томонидан амалга оширилиши, сертификатлаш мақсадида имтихондан ўтказишдан аввал **қисқа ўқув курслари ташкил этилиши** самаралироқ натижа беришини кўриб чиқиш лозим.


Шунингдек, ташкил қилинадиган Комиссиянинг аниқ вазифалари кўрсатилиши лозим.

Бундан ташқари, қарор лойиҳасининг 3-банди тўртинчи хатбошисидаги “айрим тоифалари” сўзларига аниқлик киритиш ёки лойиҳадан чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

IV. ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу қарор лойиҳасига илова қилинган Низом лойиҳасини Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни талабларига зид эканлигини инобатга олиб, Низом лойиҳасини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади.

Раиснинг биринчи
ўринбосари



Б. Каримов